

«Бу эса очик-ойдин араб тилидадир»



17:01 / 18.11.2020 1424

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

تَعْقِلُونَ لَعَلَّكُمْ عَرَبِيًّا قُرْآنًا أَنْزَلْنَاهُ إِنَّا

1. «Биз уни **арабий** Қуръон этиб нозил қилдик, шоядки, ақл юритсангиз». (Юсуф сураси, 2- оят).

لَكَ مَا الْعِلْمُ مِنْ جَاءَكَ بَعْدَ مَا أَهْوَاءَهُمْ أَتَبَعَتْ وَلِيْنِ عَرَبِيًّا حُكْمًا أَنْزَلْنَاهُ وَكَذَلِكَ

وَاقٍ وَلَا وَلِيٍّ مِنْ اللَّهِ مِنْ

2. «Ана шундай қилиб, уни **арабий** ҳукм этиб нозил қилдик. Агар сен ўзингга келган илмдан сўнг уларнинг ҳавойи нафсларига эргашсанг, сен учун Аллоҳдан на бир дўст ва на бир сақловчи бўлмас». (Раъд сураси, 37-оят).

يَلْحَدُونَ الَّذِي لِسَانٌ بَشَرٌ يَعْلَمُهُ، إِنَّمَا يَقُولُونَ أَنَّهُمْ نَعْلَمُ وَلَقَدْ

مُبِينٌ ۝۱۰۳ عَرَبِيٌّ لِسَانٌ وَهَذَا أَعْجَمِيٌّ إِلَيْهِ

3. «Батаҳқиқ, биламизки, албатта, улар: «Унга бирорта башар таълим бермоқда, холос», дерлар. Улар гумон қилаётганнинг тили ажамийдир. Бу эса **очиқ-ойдин араб тилидадир**». (Наҳл сураси, 103-оят).

لَهُمْ يُحَدِّثُ أَوْ يَنْقُورُ لَعَلَّهُمُ الْوَعِيدِ مِنْ فِيهِ وَصَرَّفْنَا عَرَبِيًّا قُرْءَانًا أَنْزَلْنَاهُ وَكَذَلِكَ

ذِكْرًا ۝۱۱۳

4. «Шундай қилиб, уни **арабий Қуръон** этиб нозил этдик. Шоядки, тақво қилсалар ёки уларда эслаш пайдо қилса, деб унда қўрқинчли ваъдаларни баён қилдик». (Тоҳа сураси, 113-оят).

مِن لَتَكُونَ قَلْبِكَ عَلَى ۱۹۳ الْأَمِينُ الرُّوحُ بِهِ نَزَلَ ۱۹۲ الْعَالَمِينَ رَبِّ لَنَنْزِيلُ وَإِنَّهُ

۱۹۵ مُبِينٍ عَرَبِيٍّ بِلِسَانِ ۱۹۴ الْمُنذِرِينَ

5. «Албатта, у (Қуръон) оламлар Роббининг нозил қилганидир. Уни Рухул Амийн олиб тушди... сенинг қалбингга. Огоҳлантиргувчилардан бўлишинг учун. **Очиқ-ойдин араб тилида**». (Шуаро сураси, 192-195 оятлар).

قُرْءَانَا ۲۷ يَنْذَرُونَ لَعَلَّهُمْ مَثَلٌ لِّكُلِّ مِنَ الْقُرْءَانِ هَذَا فِي النَّاسِ ضَرْبَانَا وَلَقَدْ

۲۸ يَنْقُوتَ لَعَلَّهُمْ عِوَجٌ ذِي غَيْرِ عَرَبِيًّا

6. «Батаҳқиқ, ушбу Қуръонда одамларга турли мисоллар келтирдик. Шоядки, эслатма олсалар. Эгриликсиз **арабий Қуръон** ҳолида. Шоядки, тақво қилсалар». (Зумар сураси, 27, 28-оятлар).

۳ تَعْقِلُونَ لَعَلَّكُمْ عَرَبِيًّا قُرْءَانًا جَعَلْنَاهُ إِنَّا

7. «Биз уни **арабий Қуръон** қилдик. Шоядки, ақл юритсангиз». (Зухруф сураси, 3- оят).

يَعْلَمُونَ لِقَوْمٍ عَرَبِيًّا قُرْءَانًا ءَايَاتُهُ، فَصَلَّتْ كِتَابٌ ﴿٣﴾

8. «Биладиган қавмлар учун **арабий Қуръон** ўлароқ, оятлари муфассал баён қилинган Китобдир». (Фуссилат сураси, 3-оят).

عَرَبِيًّا لِّسَانًا مُّصَدِّقٌ كِتَابٌ وَهَذَا ؕ وَرَحْمَةً ءِِمَامًا مُّوسَىٰ كِتَابٌ قَبْلَهُ ؕ وَمِنْ

لِّلْمُحْسِنِينَ وَبُشْرَىٰ ظَلَمُوا الَّذِينَ لِيُنذِرَ ﴿١٢﴾

9. «Ундан (Қуръондан) олдин Мусонинг китоби йўлбошловчи ва раҳмат эди. Бу эса **араб тилидаги**, тасдиқловчи, зулм қилувчиларни огоҳлантириш учун ва яхшиларга хушхабар Китобдир». (Аҳқоф сураси, 12-оят).

لَا الْجَمْعُ يَوْمَ وَنُنذِرَ حَوْلَهَا وَمَنْ أَلْفَرَىٰ أُمَّ لِنُنذِرَ عَرَبِيًّا قُرْءَانًا إِلَيْكَ أَوْحِينَا وَكَذَلِكَ

السَّعِيرِ فِي وَفَرِيقٌ الْجَنَّةِ فِي فَرِيقٍ فِيهِ رَبِّ

10. «Ана шундай қилиб, сенга Уммул қурони ва унинг атрофини огоҳлантиришинг учун, у ҳақда ҳеч шубҳа йўқ Кунидан огоҳлантиришинг учун **арабий Қуръонни** ваҳий қилдик. Бир гуруҳ жаннатда, бир гуруҳ дўзахда». (Шуро сураси, 7-оят).

Изоҳ: «Аллоҳ таоло Ўзининг охирги ва мукаммал динига, инсоният камолга етган пайтида, унга қиёмат кунигача икки дунё саодатини кўрсатувчи қилиб юборган динига, абадий дастур қилиб юборган ваҳийга **араб тилини** танлади. Азизу Ҳаким бўлган Аллоҳ таолонинг бу ихтиёри ҳам ҳикматга тўла эди.

Аллоҳ таолонинг охирги дини қиёмат қоим бўлгунча туриши керак. Бунинг учун доимий мўъжиза лозим. Ўтган пайғамбарларнинг мўъжизалари шахсларга боғлиқ бўлиб, улар жисман дунёдан ўтишлари билан мазкур мўъжизалари ҳам тамом бўлар эди.

Ислом қиёмат қоим бўлгунча қолиши ихтиёр қилингани учун ҳам, Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бош мўъжизалари этиб Қуръонни ирода қилди.

Абадий мўъжиза бўлиб қоладиган китоб учун эса шунга лойиқ тил керак. Бу тил **араб тили** бўлди. Айнан шу тил барча талабларга жавоб бера оларди. Шундай бўлди ҳам. Аллоҳ таоло Қуръонни араб тилида туширди. Уни «мўъжиза» деб эълон қилди.

Тилларнинг нозик-нозиклигича ҳис қилиб истеъмол этадиган арабларни мусобақага чақирди: «Агар қодир бўлсалар, Қуръонга ўхшаш бир китоб келтиришни, лоақал ўн оятчалик ёки лоақал бир оятчалик нарса келтиришни таклиф этди.

Араблар уриндилар, келтира олмадилар. Ҳозиргача келтира олмаяптилар. Кундан-кунга, араб тилида Қуръон тушганлиги унинг абадий мўъжиза бўлиб қолишини ҳар тарафлама таъминлаганига ҳужжат ва далиллар кўпайиб бормоқда».

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳнинг «Қуръони карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси», «Тафсири Ҳилол» дан фойдаланилди.

Бобур Аҳмад тайёрлади